

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES  
САМАРҚАНД КОНФУЦИЙ ИНСТИТУТИ  
SAMARKAND CONFICIUS INSTITUTE

**БҮЮК ИПАК ЙЎЛИДА УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ  
ҚАДРИЯТЛАР: ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ**

**GLOBAL AND NATIONAL VALUES ALONG GREAT SILK  
ROAD: LANGUAGE, EDUCATION AND CULTURE**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

*Самарқанд, 2017 йил 23-24 июнъ*

**PROCEEDINGS  
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE**

*Samarkand, 23-24 june 2017*

Самарқанд-Шанхай, 2017  
Samarkand-Shanghai, 2017

Хорижий тили фани дарсликлари ва ўкув-режасини ишлаб чиқишида боланинг ёши, руҳий ва жисмоний ҳолати, қизиқиши инобатга олинган. Яъни дарслар интерфаол услубда, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ранг-бараң анимацион видеоролик ва кўшиқлар билан ўтилади. Бундай замонавий ёндашув ўқитувчининг дарс ўтишига ҳам, ўкувчининг ўзлаштириш даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Умумтаълим мактабларида 1-синфдан бошлаб чет тилининг хафтасига 2 соатдан ўқитилиши 2013-2014-ўкув йилида 3970 ставка, ушбу ўкув йилида 2915 ставка ва келаси ўкув йилида ҳам 2500 ставкага яқин чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Кадрларга бўлган бундай эҳтиёж битирувчиларни ишга қабул қилиш ва ўқитувчиларнинг педагогик юкламасини ошириш ҳамда маълум қисм турдош фан ўқитувчиларини инглиз тилида қайта тайёрлаш хисобидан копланмоқда.

2015-йилдан бошлаб, амалдаги малака ошириш тизимида кўшимча равишида ўқитувчиларнинг ўз худудларида ҳафтада бир марта (ҳар жума) узлуксиз малака ошириш курслари йўлга қўйилди. Таянч мактаблари ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимининг амал қилишига эришишdir. Бунда хорижий тил саводини ўзлаштириш, ривожлантириш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадини белгилайди ва ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашда зарур дастурамал бўлиб хизмат қиласи

## **БИЛИМ ДАРАЖАЛАРИ ТУРЛИ ХИЛ БЎЛГАН КИЧИК МАКТАБ ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРГА ТИЛ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ**

**Бахридинова Д.О., Бойматов А.А., ЖДПИ**

**“... Янги авлодни тарбиялаш ҳалқни тарбиялаш  
деганидир...”**

**И.Каримов<sup>1</sup>**

Тил кишилик жамиятида яратилган бўлиб, инсонлар ўртасида алоқа воситаси ҳисобланади. Тил инсониятни, жамиятни, бир мамлакатни бошқа мамлакат билан боғлаб турувчи ришта ҳамdir. Шу аснода таъкидлаб ўтишимиз жоизки, бугунги кунда республикамизда чет тилини ўрганиш ва ўргатишга қаратилган бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар таълим тизимининг дастлабки дебочаси саналувчи мактабгача таълим-тарбия муассасаларидан тортиб, олий таълимгача бўлган барча босқчиларида кузатишимиш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини 1979 йил амалга ошириш жараённида мактаб таълим тизимини айниқса умумтаълим мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш, биз учун кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланиб бормоқда. Чунки, чет тилларини ўрганишда давр талаби шуни тақозо этади. Шу мақсадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил декабрда қабул қилинган ПФ-1875-сонли қарорида ҳам Республиkaning барча худудларида чет тилларини инглиз, немис, француз асосан инглиз тилини кенг тарғиб қилиш кўзда тутилган. Зеро, қарорда кўрсатилган замонавий педагогик ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириши ҳамда унинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуклари ва дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериши кўрсатиб ўтилган.<sup>2</sup>

Ушбу қарорнинг ижроси сифатида мактабларнинг бошлангич синф ўқувчиларига ҳам чет тили ўрганиш йўлга қўйилди. Эндиғина, мактаб остонасига қадам қўйган жажжи ўқувчиларда билмга бўлган ташналик ҳисси улар учун янги бўлган фанларни ўзлаштириш жараённида муҳим рол

<sup>1</sup> И. А. Каримов. “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатdir.” Тошкент “Ўзбекистон” -2015 й, 235- бет.

<sup>2</sup> “Маърифат”- № 99-, 1 – бет

үйнайды. Бу ёшдаги ўқувчиларга таълим берувчи ўқитувчи албатта уларнинг физиологик ва психологияк хусусиятларидан воқиф бўлишлари лозим. Хусусан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик жиҳатларига тўхталсак: улар ўз идрокларини аниқлилиги, равонлиги, соғлиги, ўтқирлиги билан бошқа ёш даврдаги инсонлардан кескин фарқланади. Мазкур ёшдаги болалар идрокининг ижобий ва салбий хусусиятлари қўйидагicha:

- Ижобий хусусияти: бошлангич синф ўқувчиси ҳар қандай обьект ва субъект воқеадаги янгиликни яққол идрок қилишга интилади, уни атроф мухитнинг сирли олами, сехри, жилоланиши, жозибаси ўзига тортади.

- Салбий хусусияти: бу ёшдаги ўқувчиларнинг обьектларни бир-биридан фарқлашда заифлиги кузатилади. Улар кўпинча ўрганиладиган материални ноаниқ ҳатто, нотўғри идрок қиладилар. Бунинг оқибатида айнан ўхашаш ҳарфлар, сўзлар, нарсалар тасвирини шакли, фазовий жойлашуvinning фаркини тўла тасаввур қила олмайдилар.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда шуни айтиш жоизки, бошлангич синф ўқувчилари зиммасида салмоқли масъулият бордир. Бироқ, тадқиқотлар натижасига таянган ҳолда шуни таъкидлашимиз керакки, 1-4 синф ўқувчиларнинг ўзларининг дунё қарашидан келиб чиқиб, дарс ўтилса ўқитувчи ўз кўзлаган мақсадига эришади. Чет тили фани ўқитувчилари ўқувчиларда доимо ўзгача таъсурот қолдиради. Бунинг сабаби ўтилаётган фан мутлақо улар учун янгилиги, шунингдек, бошлангич синфларда чет тили асосан ўйин тарзида олиб борилишидадир. Ўйин фаолияти- бу ёшдаги ўрганувчиларнинг борликни билишда ва уни акс эттиришда мухим аҳамият касб этади. Биринчи синфда чет тилини оғзаки нутқка асосланган ҳолда 2-синфдан бошлаб эса ёзма нутқ ҳам қўшилган ҳолда ўргатилади. Чет тили кичик гурухларда ўргатилиш жараёнида баъзан биз билим даражалари турфа хил бўлган ўқувчиларга ҳам таълим беришимизга тўғри келади. Бундай таълим беришнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд.

- Ижобий жиҳати: суст ўзлаштирувчи ўқувчилар яхши ўқийдиган ўқувчилар томон интилади. Яъни, кўпроқ ўрганишга ҳаракат қиласди.

- Салбий жиҳати: а) дарс учун ажратилган вақт мобайнида ўқитувчи ҳаммага бирдек вақт ажратади. б) яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар учун алоҳида мавзу жуда содда бўлгандек хис килиниб янада кўпроқ вазифа олишни ёки кейинги мавзуларга тезрок ўтишни хоҳлади.

Айнан шу каби ҳолатларда биз қўйидаги усуслни ўқитувчиларга тақдим киласми:

1 Хар бир дарс мобайнида 3-6 дақиқа яхши ўқувчилар гегемонликни ошириш бунда ўқувчи узида ўқувчанлик масулиятини сезади дарсдаги иштирокидан ўзида қоникиш хис киласди. Ҳар бир дарсда биттадан аълочи ўқувчилар иштирокини таъминласақ, ҳар бири олдинги ўқуввидан ўрганиб, ўқитувчи тавсияларини хисобга олган ҳолда янада яхшироқ тайёргарлик кўришга интилади.

2. Билим даражалари турли хил бўлган ўқувчилар ўртасида “Traffic lights” ( Йул чироги) номли фаолият туридан фойдаланишимиз мумкин. Бизга маълумки кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идроки ранг-баранг предметларга кўпроқ қаратилади. Шуни инобатга олган ҳолда, дарс давомида биз рангли тарқатма материаллардан фойдаланиб, таълим самарадорлигига эришишимиз мумкин.

“Traffic lights” ( йўл чироги) номли фаолият асосан янги грамматик мавзу тушунтирилаётганда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу фаолият орқали турли хил даражадаги билим эгалари бир хил вақтда янги мавзуни тушуниш ва мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун бизга ҳар бир ўқувчи учун З хил рангдаги ( қизил, сариқ, яшил) финжонлар керак бўлади. Ўқувчи янги мавзуни, масалан “ То Ве” ни тушунтириб бўлгач, ҳар бир ўқуввидан янги мавзуни энг аввало қисқача оғзаки, сўнгра ёзма ҳолда сўрайди. “ Traffic lights” ( Йўл чироги) фаолиятидаги Зта ранг қўйидаги рамзларни англатади:

-қизил ранг ўқувчиларда савол мавжуд эканлигини

-сариқ ранг мустаҳкамлаш босқичида эканлиги

- -яшил ранг мавзуни яхши ўзлаштирганлигини ифодалайди.

Янги мавзу тушунтирилгач ўқитувчи ўқувчиларга даражаларига мувофиқ гап қурилмалари тузишни айтади. Ҳар бир ўқувчилар З хил рангдаги финжонлар ранги кўриниб турган ҳолатда устма-уст қилиб қўйилади. Гап тузиш жараёнида ўқувчиларда савол туғилса қизил финжон биринчи юзада туради. Ўқитувчи қизил финжон турган ўқувчи олдига бориб, унинг саволига жавоб бериб тушунтиради. Ўқувчи жавоб олиб бўлгач, қизил финжон устига сариқ финжонни, яъни мустаҳкамлаш босқичида эканлигини билдирувчи финжонни кўяди. Бу жараёнда ўқувчилар ҳам бир – бирига халақит бермаган ҳолда мавзуни ўзлаштиради. Яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар ҳам

суст ўзлаштирувчи ўқувчиларга бир хил бандликка эришилади ва ўзлаштириш суръати ҳам юқори кўрсатгичларда бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тилини ўқитишида уларнинг ёшига монанд фаолият билан ёндашилса ўқувчиларнинг ўрганишга бўлган қизиқишини янада юксалтиришга эришган бўлар эдик.

#### **Адабиётлар:**

1. И. А. Каримов. “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий соадатдир.” Тошкент “Ўзбекистон” -2015 й, 235- бет.
- 2.“Маърифат”- № 99-, 1 – бет
3. Э. Ғозиев “Психология” – Тошкент “Ўқитувчи”-1994, 115 – бет.

## **КАСБИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВДА ОИЛАДА МЕҲНАТГА ЎРГАТИШ АСОСЛАРИ**

**Бегматова Д.М., Самдчи**

Оилада фарзанднинг меҳнат жараёнига тортилиши педагогик жараённинг икки томони узвий алоқадорлиги асосида таъмин этилган. Улар, биринчидан меҳнат орқали бола характери ва феълатворининг талаб этилган йўналишда шаклланиши ва унда тегишли хислатлардан уддабуролик, камтарлик, ўзгалар меҳнати қадрини билиш, ўз хиссиётларини бошқара олиш, эринмаслик, ташкилотчилик, мақсад сари интилиш кабиларни шакллантириш ва рўёбга чиқариш учун имкониятга эга бўлади. Меҳнат орқали фарзанд қунт билан, бирор бир иш учун зарур бўлган хусусиятларни ўзида жамлаш, улардан фойдаланган ҳолда ўз имкониятларини ишга солиш имкониятиги эга бўлган. Бола мана шу имкониятни ўз шахсига нисбатан силлий жараёнда амалга оширган, яъни оилада оила аъзоларининг қўллаб-қувватлаши ва болани меҳнатга, хунармандчилик асосларини эгаллашга рағбатлантириш жараёни хукм сурган.

Оилавий педагогика ва ҳалқ педагогикасида ҳар бир бола оилавий меҳнат жараёнига у ёки бу даражада жалб этилади. Болаларга улар имкониятлари ва лаёқатлари, ёш дифференциацияси нуқтаи назаридан иш ҳажми бўлиб берилади. Бунда, бир томондан барчанинг меҳнат ва иш қилиш жараёнига тортилиши бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир оила аъзоси зиммасида маълум вазифалар масъулити мақжуд бўлади. Бир томондан, фарзандларда меҳнат қилиш малакалари такомиллашса, иккинчи томондан уларда масъулият, ўз сўзи ва ваъдаси устида туриш, оиладаги равнақ учун жавобгарлик каби хусусиятлар тарбия қилинади. Ҳалқ педагогикасида ҳар бир боланинг меҳнатга меҳр қўйиши, меҳнатга чин кўнгил билан муносабатда бўлишга имкон яратилади. Бола ўз зиммасидаги топширикларни сифатли бажаришга ўрганади. Меҳнат жараёни боланинг қатъиятли, сабрли бўлишга, эринмасликка, бошқаларга жавобгарлик хиссига ўргатилади. Ҳалқ педагогикасида меҳнат интизомига риоя этиш муҳим педагогик талаб сифатида тарғиб қилинади.

Оилавий тарбия жараёнида ва ҳалқ педагогикасида меҳнаттага ўргатишнинг муҳим талабларидан бири бу – меҳнат интизомидир. Бола меҳнат интизоми масаласи билан энг кичиклик давридан бошлабоқ бевосита тўқнаш келади. Меҳнат интизомида қатъий талаблар ишлайди. Меҳнат интизомини бузганлик учун турли жазо чоралари қўлланилади. Бола энг кичиклик вақтиданоқ меҳнатдан бўйин эгганлик учун маълум нарсалардан маҳрум бўлишини билиб улгаяди. Шунга кўра, боланинг меҳнат қиласлиқдан, яъни бекор юришидан кўра, меҳнат қилиб, ўзи истаган нарсаларга эга бўлишни маъкулроқ кўради. Шунга кўра ҳалқ “Бекорчидан худо безор” ибратди сўзини ишлаб чиқиб, ҳар бир оиланинг оилавий кодекси даражасига кўтарилишига ҳаракат қилган.

Ҳалқ педагогикасида меҳнат жараёнида функционалликни эгаллаш нуқтаи назаридан босқичма-босқичлиликка катта эътибор қаратилган. Болага аввал маълум бир ишни қандай амалга ошириш услублари, йўллари ва воситалари, улар икир-чикирларини инобатга олган ҳолда тушунтирилган. Ундан аввалроқ бола мана шу вазифани оиладаги бошқа катталар қандай қилаётганлигига гувоҳ бўлган. Ҳалқ тили билан айтганда боланинг “кўзи пиширилган”. Кейин эса оддийдан мураккабга қараб мазкур вазифа бўлинма-бўлим бола зиммасига ўтказилган. Ҳар бир бўлимда боланинг иш оли бориши тажрибаси енгил тарзда таҳлил қилинган ва рефлектор педагогика амалиёти кенг қўлланилган. Бунда болада мустақиллик, меҳнат қилиш ва меҳнатга ижодий ёндашиш кўникмасини ривожлантириш, уларда хунар ва уй юмушларини ўрганишга қизиқишини ўстириш, гурух ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш, ташаббускорлик каби хусусиятларнинг такомилига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳалқ педагогикасида боланинг табиий қизиқишилари, майллари, лаёқати, қобилияти ва имкониятларини ривожлантириш асосида, унинг оиладаги меҳнат қилиш малакларига суюнган